



O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабининг 66 йиллиги нишонлини муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 300 000 (уч юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.
5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тошкент шаҳри, 2011 йил 22 апрель

И.КАРИМОВ

«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар! Авваламбор, сизларни — нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни чин қалбимиздан кутлаб, «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда иштирокингиз учун самимий миннатдорлик туйғусини билдиришга руҳсат этгайсиз.

Ўзбекистонда мазкур Концепциянинг қабул қилиниши биз бу йил йигирма йиллигини нишонлайдиган давлатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги кенг қўламли ислохотларимизнинг мантқий ва қонуний давомидир. Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки кунларидан ўзи учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш,

инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, мамлакатимиз иқтисодиётни мафқураддан холи этиш ва унинг сиёсатдан ўзгаришга таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонуни устуворлигига эришиши, кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби беш тамойилга асосланган, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб четдан тикиштирилган «шок терапияси» усуллари, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган сохта тасавурларнинг рад этиб, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун», деган машҳур принципларга амал қилган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқа-

рувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Ушбу қоидаларнинг жорий этилиши давлат ва конституциявий қурилишни поғонама-поғона, қадам-бақадам тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур демократик ислохотларни олиб бориш имконини берди.

Бу модель, ўзининг мазмун-моҳияти билан, бутун тараққиётимиз давомидида оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, ҳар томонлама ҳаётийлигини намоян этди. Аввало, собиқ СССР тарқалиб кетганидан сўнг илгари шакланган иқтисодий алоқаларнинг бутунлай издан чиқилишини оқибатларига барҳам бериш, иқтисодиётнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши, ишсизликнинг авж олишига йўл қўймаслик, қисқа муддатларда мустақил ҳокимият институтларини тизуш зарурати, ўша пайтдаги мураккаб вазиятнинг ўзи айнан шу моделни танлашни тақозо этди.

Биз турли жозибали даъватларга ундамиз ва тадрижий, босқичма-босқич тараққиёт йўлини маъқул топиб, ҳар хил инқилобий моделлардан онгли равишда воз кечдик ва шу тариқа халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, биз танлаган модель, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси, унинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти изчил охиб бориши учун мустақам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

(Давоми 2-бетда.)

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22 апрель куни Сурхондарё вилоятига ташир буюрди.

Биз жаҳон цивилизациясига ўзининг бой тафаккури ва юксак маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз билан ҳақи равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва янада бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалар қатори маънавий-маърифий жаҳонларда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад муҳасам. Муқаддас аждодларимиз ободонлаштириш, буюк боболаримизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни шу асосда баркамол инсонлар этиб воёга етказиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ислам Каримов Сурхондарё сарфарини Ҳақим Термизий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида улуғ бобомиз мангу кўним топган макон мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Бог-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. — Ҳақим Термизий каби буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг бой мероси-

ни ўрганиш халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий оламини бойитишда муҳим ўрин тутатади, — деди Ислам Каримов. — Бу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан покланади. Бундай муқаддас жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратгандан юртимизга, халқимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаш ҳар биримиз учун фарздор.

Юртбошимиз улуғ боболаримизнинг меросини ўрганиш, уни ёшларимизга етказиш муҳим вазифа эканини таъкидлади. Зеро, бақувват илдизлардан қувват олган ниҳол гурқираб ривожланади. Аждодларимиз мероси ёшларимизни шу муқаддас замин тупроғини кўзга тўтиб айланишга, ўз халқи, ота-боболари, Ватанидан фахр туйиб яшашга ўргатади, улар юрагида тоғдек гурур ва ифтихорни тарбиялайди. Ана шундай ёшлар аждодларимизнинг муқаддас номини асрлар силсиласидан беэриб олиб ўтишга, истиқлол йилларида бошланган эзгу ва хайрли ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлади. Халқимизнинг, ёшларимизнинг бахти ва саодати шундаки, уларга синовларга бой мураккаб ҳаёт йўлида руҳан мадад берувчи улуғ боболаримиз кўп. Бундай тола ҳамма халқларга ҳам nasib этмаган.

— Бундай табарруқ масканларга

ёшларимизнинг зиёратларини тез-тез ташкил этиш лозим, — деди Президентимиз. — Бу ердаги муҳит фарзандларимизни боболаримизга яқинлаштиришга, улар меросини асраб-авайлаб яшашга ва ўздан кейинги авлодларга бекам муқдас етказишга интилиб яшаш туйғуларини тарбиялашда гоё муҳим аҳамият касб этади.

Ислам Каримов мажмуада амалга оширилган ишларни кўздан кечириб экан, бу ерда зиёратчилар учун янада кўпроқ қўлайликлар яратиш, Сурхондарёнинг иссиқ иқлимга мос, яхши манзара берадиган дарахтлар кўчатларини кўпроқ экиш борасида тавсиялар берди. Президентимиз Ислам Каримов Термиз туманидаги Шуҳрат Чоршанбиев раҳбарлик қилаётган «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги фаолияти билан танишди. Вилоят фермерлари билан суҳбатлашди.

Вилоятда бугун 5 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. «Ат-Термизий Намуна» фермер хўжалиги ўтган йили пахтанинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарди, ғалланинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон йиғиб олди. Хўжаликнинг даромади 106,6 миллион сўмни, соф фойдаси эса 26 миллион сўмни ташкил этди.

Жорий йил тажрибали фермер 50 сотих майдонда иссиқхона ташкил этиб, ўндан ортқ кишини иш билан таъминлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Ат-Термизий» маҳалласида тикувчилик-бичувчилик цехини ишга туширди.

(Давоми 2-бетда.)



ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА: ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.

Анжуманда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, демократик мамлакатлар-

нинг бу борадаги тажрибасига оид долзарб масалалар муҳокама этилмоқда.

Конференцияда жаҳоннинг 40 га яқин мамлакатидан 200 нафардан зиёд хорижий олимлар, экспертлар ва жамоат арбоблари, шунингдек, БМТ, унинг тарқибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислам та-

раққиёт банки каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг ҳамда юртимиздаги фуқаролик институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва Ўзбекистон парламенти аъзолари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг конференция қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

23 апрель куни «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини давом эттирди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 19 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1782,98
1 Англия фунт стерлинги	2753,11
1 БАА дирҳами	459,98
1 АҚШ доллари	1689,23

1 Миср фунти	283,95
1 Канада доллари	1755,77
1 Ҳитой юани	258,72
1 Малайзия рингити	559,26

1 СДР	2699,36
1 Туркия лираси	1118,25
1 Швейцария франки	1890,36
1 Евро	2443,30

10 Жанубий Корея вон	15,50
10 Япония иенаси	203,87
1 Россия рубли	59,86
1 Украина гривнаси	212,02

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.



«ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибидида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорнинг зарур товар ва хизматлар билан таъминлаш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилга айланди.

Улкан қийинчиликларга, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида биз энгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамадан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил мобайнида қарийб 3,5 баробар ўсди, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ошди.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ўсди. Ушбу даромадларнинг 47 фоизи биз учун муҳимроқ янги бўлган мулк шакллари билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлардир.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

Шу билан бирга, яхши тушунамизки, мустақиллик йилларида амалга оширган барча ишларимиз биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли юксак мақсадга — ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт шaroити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашнинг таъминлашга қаратилган олис ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми, шу боғидаги дастлабки қадамлар, ҳоло.

Биз яшаётган глобаллашув асрида биринчи навбатда эришган натижалари билан кифояланмасдан, бугунги дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳақоний ва танқидий баҳо бе-

радиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозонишини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Мантининг ўзи, тараққиётимиз қонуниятлари, биз эришган марралар, биз ўз олдимизга қўётган мақсад жамиятимизнинг изчил ривожланишига, мамлакатимизнинг нуфузига тузатиб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин бўлган ҳаволалишга, қўлга киритилган ютуқларга махлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмасдан, демократик ислохотларни давом эттиришни талаб қилмоқда.

Фақат кенг миқёсдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохот ва ўзгаришларни биз танлаган, амалда ўзини тўла оқлаган моделга мувофиқ равишда давом эттириш давлат ва жамиятнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш, халқроқ майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Бизнинг Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз айнан шу талаб билан боғлиқ бўлиб, бу Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принципиал жиҳатдан янги босқичда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни янада изчил давом эттириш дастури ҳисобланади.

Бу борада биз амалий асосга эга бўлган ва ҳаётнинг ўзи исботлаб берган бир ҳақиқатга суяниб-таяниб иш олиб бормоқдамиз. Яъни, сиёсий тизимни изчил демократлаштирмасдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлиги ва сайлов тизими ривожини таъминлашмасдан, фуқаролик жамияти институтларини шакллантирмасдан, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Ва бунда тадрижий тараққиётни, амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва изчиллиқни таъминлаш фақуллода муҳим аҳамият касб этади.

Баъзан учраб турадигандек, олиб борилаётган ислохотларнинг охирига етмасдан, юзаки ва пала-

парти тус олиб, демократик жараёнларнинг қандайдир сохта кўринишига айланиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Демократия — бу, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бизнинг йўлимиздир.

Шуни тушуниб олиш керакики, Концепция жамиятда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришларга доир барча масалаларни қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам унда асосий устувор йўналишлар белгилаб берилган, улардан, бизнинг назаримизда, ислохотларнинг куйидаги йўналишлари принципиал аҳамиятга эгадир.

Бизнинг олдимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципларни изчил ва тизимли равишда амалга ошириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфатлар мувозанатининг, давлат ва жамият олдига турган вазифаларни ҳал этишда ўзаро келишилган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишини самарали механизмларни яратишга қаратилган ислохотларни давом эттиришимиз зарур.

Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринини эгаллаган сиёсий партияларнинг Бош вазир номзоди бўйича таклиф киритиш ҳуқуқини, Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини жорий этишни назарда тутишда ўзгаришлар киритилди. Парламентга мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳукумат раҳбари ҳисобларини ашитиш ҳуқуқи берилган ва бошқа қатор принципиал янгиликларни киритиш кўзда тутилган. Шу тариха ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларини янада чуқур ислохот қилиш, уларнинг мустақиллигини, мустақил иш юритиш қобилиятини кучайтириш, давлат ва сиёсий қурилиш тизимида парламентнинг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қонунчилик асослари яратилмоқда. Конституциянинг мазкур янги қондаларини босқичма-босқич жорий этиш ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий, партиялараро рақобатни сезилар-

ли даражада кучайтиришда сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш учун шaroит яратади.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш биз учун энг муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Концепцияга биноан, суднинг мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустақиллаштириш, «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритиш бўйича ишларни давом эттиришимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонунчилик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфатлар мувозанатининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизминини яратишимиз, айрим ҳуқуқбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш йўли билан жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Бизнинг олдимизда ахборот соҳасини демократик ислохот этиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги вазифалар турибди. Демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Концепцияга мувофиқ, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўйбега чиқариш ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалалари диққатимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда яратилган мустақил, моҳият эътиборига кўра ноёб бўлган сайлов тизимини янада демократлаштириш, хусусан, сайлов жараёнларининг янада

очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, сайловолди ташвиқотларини ўтказиш механизми, сайлов комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси олдимизда турибди. Бунда биз сайловлар — мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг демократик руҳини намоеён этадиган энг муҳим масала, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белги-аломамати, халқ хоҳиш-иродасининг, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шакли эканидан келиб чиқамиз.

Фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш демократик ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, ҳеч муболағасиз, мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жамиятимизда миллатлар ва динлараро ҳамжихатлиқни, барқарорлиқни таъминлаш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамоийлини амалга ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларни рўйбега чиқаришнинг ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Келгусида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларимизни амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шериклиқни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг бошқа зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишдаги ролини кучайтиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тад-

бирларни амалга ошириш лозим.

Бизнинг олдимизда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар турибди.

Бугунги кунда биз чуқур таҳлиллар асосида 2011-2015 йилларга мўлжалланган, ўзаро боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни ишлаб чиқдик ва амалга оширишга киришдик. Бу дастурлар саноатни, инфратузилмаларни, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, банк-молия тизимини янада ислохот этиш ва унинг барқарорлигини оширишни, шунингдек, мамлакатимизда қулай ишчан муҳит ва уни баҳолашнинг замонавий халқроқ мезонларини шакллантиришни кўзда тутади.

Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши узоқ истиқболда таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсишига муҳим аҳамият қаратиш лозим. Чунки бундай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шaroитида иқтисодиётнинг изчил ривожланишини барқарорлаштириш ва рағбатлантиришнинг омил сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимизнинг энг муҳим натижаси халқимиз, аввало, мамлакатимизни ислохот этиш ва янгилашнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг ислохот ва демократлаштириш борасидаги сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганига намоеён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу анжуман иши давомида унинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ишлаб чиқиладиган ҳулоса ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги бизнинг фаолиятимизда ўзининг амалий ифодасини топади, деб ишонаман.

Конференциянинг барча иштирокчиларига самарали иш олиб боришларини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан суҳбатда галладан мўл ҳосил тўплаш, ғўза ривож масалалари, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехника тадбирлари билан қизиқди.

Вилоят фермерлари 98 минг гектар майдонда воҳа иқлимга мос, тезпишар галла навларини парвариш-ламоқда. Об-ҳаво нуқуллай келган жорий йилда миришкорлар галлазорларни маҳаллий ўғит билан озиклантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг самарасида далаларда буғдой бошоқлаб, мўл ҳосилга пухта замин яратилди.

Сурхондарёлик деҳқонлар 119 минг 600 гектар майдонга қадалган чигитни ҳам бир

текис ундириб олди. Далалар биринчи культивациядан чиқарилади.

Деҳқонларимизда кўкламнинг бир кунини йилга татийди, деган нақл бор, деди Юртбошимиз. Шу боис ғўза ривож ва ҳосил тақдирида ҳал қилувчи айни шу паллада агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган деҳқон ютади. Деҳқончиликда аслида осон йил ёки қулай мавсумнинг ўзи бўлмайди. Аммо сув тақчиллиги кутилаётгани бу йил деҳқонларимиздан янада омилкорлик билан иш туттишни, сувдан оқилона фойдаланишни талаб қилади.

Ўтган йили вилоят фермерлари ғўза ривож учун ернинг намлигини қочирган бўлса, жорий мавсумда tupроқдаги намлиқни сақлашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун пушта олиб экиш, культивацияда

экинга маҳаллий ўғит солишга эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз фермерлар билан учрашувда халқимизнинг фаровон яшashi, бозорларимизнинг тўқин-сочин, дастурхонларимиз баракали бўлишида уларнинг ҳизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Муқаддас заминимиздан ризку рўз ундираётган деҳқону соҳибкорларга давлатимиз бундан кейин ҳам ёрдам ва кўмак кўрсатаверишини қайд этди.

Яқин кунларда Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақалари бўлади. Вилоят тарихида илк бор ўтказилаётган бундай йирик мусобақага сурхондарёликлар пухта ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу спорт байрамига тайёргарлик доираси-

да Термиз давлат университети, шаҳардаги академик лицейлар, санъат, педагогика, олимпия захиралари коллежлари бинолари, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, «Алпомиш» теннис корти ва кураш мажмуаси каби қатор бошқа иншоотлар тубдан таъмирланди.

Ислом Каримов Термиз шаҳрида барпо этилган «Сурхон» спорт мажмуини бошиб кўрди.

Бу ерда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадий гимнастика ва кўл тўпи заллари қурилиб, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Мажмуада футбол, кўл тўпи, енгил атлетика ва бадий гимнастика билан шуғулланиш учун барча қулайликлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу

ерда шуғулланаётган бадий гимнастикачи қизлар, кўл тўпи устаси бўлишни ният қилган йигитлар билан суҳбатлашди.

Ўзбек йигит ва қизлари истеъод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмас, деб таъкидлади Ислом Каримов. Уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш доим эътиборимизда бўлмоғи лозим. Таълим-тарбия, маънавият, спорт ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларимиз ана шу мақсадга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари ёшларимиз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканликларини чуқур ҳис этиб яшashi, бор билим ва тафаккурини, маҳорат ва истеъодини Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янада

юксалтиришга, шуҳратига шуҳрат қўшишга йўналтириш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз мажмуа билан танишар экан, лойиҳачи ва қурувчиларга уни янада такомиллаштириш юзасида тавсия ва топшириқлар берди. Қурилиш ва пардозлаш ишларида илғор хорижий тажриба ва миллий меъморчилик аъаналаридан, замонавий дизайндан унумли фойдаланиш, ранглар уйғунлигига эътибор бериш даркорлигини қайд этди.

Юртбошимиз вилоят марказида барпо этилган «Бахт уйи» мажмуаси билан ҳам танишди.

Икки қаватли кўркам бинода ёшлар учун барча қулайликлар мавжуд. Бўлажак келин-куёвлар учун маросимларни ўтказиш ва банкет зал-

лари, ошхона ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз ҳаётидаги энг бахтли воқеанинг ана шундай кўркам масканда ўтказилиши уларда унутилмас таассурот қолдиришини таъкидлади.

Инсон яхшилик учун, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, фарзандларнинг бахту саодати учун доимо курашиб яшashi лозим. Ана шунда кўзланган юксак марраларга етади. Бизнинг халқимиз ана шундай эзгу ниятлар билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Бу ҳақиқат Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига сафари давомида ана бир қарра ўз тасдиғини тоғди.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
Ҳолмўмин МАМАТАРИЙМОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

Эътироф

Тарихий алоқалар янада мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимиз Президентининг 19-20 апрель кунлари Хитой халқ республикасида давлат ташрифи икки давлат ўзаро муносабатларининг янги bosқичига йўл очди. Буни хитойлик кузатувчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Ўзбекистон минтақанинг барқарор ривожланиётган этаки давлатларидан бири. Мамлакат раҳбарияти олиб бораятган оқилона сиёсат нафақат Осиёда, балки бутун дунёда муносиб баҳо олаётди. Хитой ва расмий Тошкентнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги келажда икки давлатнинг барча соҳаларда ўзаро яқинлашувига туртки бўлади. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги ишончли шерикларимиздан деб биламиз. Ўзбекистон ташқи сиёсати

негиздан миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя қилиши, барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойиллари мустаҳкам ўрин олган. Расмий Тошкентнинг бу тамойилларга қатъий амал қилиши, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ошаётган бўлмоқда.

Ли КЭЦЯН,

ХХР Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари, (www.cri.cn)

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шaroит, имтиёз ва имкониятлар хитойлик ишбилармонларнинг бу ерда ўз бизнесини очиб ва кенгайтиришга қизиқишини тобора ошираётди. Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида тузилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Сармояларни қўймолаш ва раб-танлашнинг янги томонлари солиқдан қочишга оид битимлар, ўзаро савдода амал

қилаётган энг кўп қулайлик яратиш тартиби иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистондаги ислохотларни кузатар эканман, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократия асослари мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни кучайтиришга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, халқ фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлаяман.

Чен ДЗЕМИН,

«Синьхуа» ахборот агентлиги шарҳловчиси, (www.xinhuanet.com)

Ўтган икки ўн йилликда Ўзбекистонда жамият ҳаётида ҳам, иқтисодиётда ҳам беқийс ўсиш-юксалиш содир бўлди. Унинг дунё миқёсидаги обрўси орди, таъсири ошди, ўзбек халқининг маданияти ва шоъли ўтмиши жаҳон ҳамжамияти томонидан чуқур ўрганила бошланди. Булар барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона сиёсати самараси ва миллатнинг меҳнатсеварлиги туфайлидир. ХХРнинг элчиси сифатида бу заминда ишлаш бахти на-

сиб этганидан хурсандман. Гузал юрт, бетакорр иқлим, одамлар юриш-туришида сезилиб турадиган сертакаллуфлик ва маданий муҳит мени ўзига махлиё этган, десам, хато бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган муҳим тарихий байрам — Мустақилликнинг йигирма йиллиги билан табриқлайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шерикчилик алоқалари янада мустаҳкам бўлишини истайман.

Чжан СЯО,

ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси, (www.gazeta.uz)

Ўзбекистоннинг инвестициявий имкониятларини ўрганиш, ўзбекистонлик ва хитойлик тадбиркорлар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой бозорига олиб чиқиш долзарб масалалардан биридир. Айниқса, Хитойда ўзбек пахта толасига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги имкониятлар очиб шуъбақаси. Ўзбек ва хитой ишбилармон доираларининг ўзаро савдо-иқтисодий алоқалари тобора кучайиб бораётган бир пайтда икки давлат банклари ўртасида сўм ва юань айирбашлаш тўғрисидаги битим имзолашиши имкониятларни янада кенгайтиради.

Ги МИНДУ,

Хитой ташқи савдо маркази мутахассиси, (www.cftc.cn)

Ўзбекистон сиёсати пухта ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган, мамлакатда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари манфаатини ўзида мўжассам этган. Мамлакат раҳбарияти юрт тараққиёти йўлида халқнинг бир ёқадан бош чиқаришига, келажакка ишонч билан қарашига эриша олган. Оқилона сиёсат туфайли кучли ижтимоий ҳимоя ҳам самара бермоқда, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ортиб бормоқда, аҳолининг турмуш даражаси жадал ўсмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли, келажакда янги имкониятлар очилади. Ҳозир бунинг учун тобора кўлай ва мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий пойдевор қўйилмоқда.

«Женьмин Жибао» газетаси, (www.people.com.cn)

Ўзбекистонга оилам билан келишни ният қилган эдим. Орузим ушалганидан бахтиёрман. Қисқа фурсатда азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашиб кетди. Рафикам ва фарзандларим билан Мустақиллик майдонига бордик. Майдон сайёҳлар билан гавжум. Келин-куёвлар Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўймоқда. Уларнинг кўплари билан сўхбатлашдик.

Хан МЕНГ,

Хитойлик сайёҳ, Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

Ижтимоий фикр

Озод юртимиз ёшлари

жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшишни ўз бурчи деб ҳисоблайди

Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимиз ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Ислам КАРИМОВ



Бугунги кунда ўзбек ёшларининг ахлоқий сифатлари, гоявий дунёқараши, маънавий риоя қилиши, фуқаролик нуқтаи назарлари, ижтимоий фаоллик даражасини социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш ва таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ёшларимизнинг ҳозир қандай мақсадлар билан яшаётгани, уларнинг ўй ва ташвишлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари, орзу-интилишлари нималардан иборат эканлигини аниқлашга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда.

Психологларнинг фикрича, ёшларнинг мамлакат тараққиёти ва жамият ҳаётида тутган ўрнини ўрганиш ватанпарварлик, уларни ҳавотирга солувчи турли муаммолар, устувор мақсад ва режалар, ижтимоий етуқлик даражаси каби асосий мезонлар билан ўлчанади.

Тадқиқотлар юртимиз ёшлари орасида ватанга дилдан хизмат қилиш (социологик тадқиқоти-мизда қатнашган ёшларимизнинг 53,5 фоизи шу фикрга алоҳида тўхталди) ва уни кўз қорачиқдек асраш (51,9 фоиз), миллат шайни юксалтириш (32,4 фоиз), асрий анъана ва қадр-қадриятни эъзозлаш (31,4 фоиз) сингари бебаҳо тушунчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтишган. Қийёсий таҳлил натижалари ёшларимиз қалбидида она Ватанга содиқлик ҳисси йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўрсатди. Жумладан, 2005 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар хулосасига кўра ёшларимизнинг 72,3 фоизи Ўзбекистоннинг чинакам фидойи фарзандлари эканлигини фахр билан гапиришди. Олимлар Фарб мамлакатларида жамият ҳаётининг барча жаб-ҳаларига таҳдид солаётган «оммавий маданият», яъни ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, никоҳ-

сиз оила, оммавий беҳаё клип-лар ва шу каби иллатлар улардаги оила инкисоми билан боғлиқлигида далиллар келтиришган. Шундай экан, оилаларимизнинг барқарорлиги бизни қувонтиради.

Тадқиқотлар юртимиз ёшлари орасида ватанга дилдан хизмат қилиш (социологик тадқиқоти-мизда қатнашган ёшларимизнинг 53,5 фоизи шу фикрга алоҳида тўхталди) ва уни кўз қорачиқдек асраш (51,9 фоиз), миллат шайни юксалтириш (32,4 фоиз), асрий анъана ва қадр-қадриятни эъзозлаш (31,4 фоиз) сингари бебаҳо тушунчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтишган. Қийёсий таҳлил натижалари ёшларимиз қалбидида она Ватанга содиқлик ҳисси йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўрсатди. Жумладан, 2005 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар хулосасига кўра ёшларимизнинг 72,3 фоизи Ўзбекистоннинг чинакам фидойи фарзандлари эканлигини фахр билан гапиришди. Олимлар Фарб мамлакатларида жамият ҳаётининг барча жаб-ҳаларига таҳдид солаётган «оммавий маданият», яъни ахлоқсизлик, гиёҳвандлик, никоҳ-

сиз оила, оммавий беҳаё клип-лар ва шу каби иллатлар улардаги оила инкисоми билан боғлиқлигида далиллар келтиришган. Шундай экан, оилаларимизнинг барқарорлиги бизни қувонтиради.

Тадқиқотларимизда ўзбекистонлик ёшларнинг 52,6 фоизи жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшишни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, энг аввало, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан бўлса керак, бугун юртимизда олий ўқув юртли ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшларнинг иш билан бандлиги сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Айниқса, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун реал шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, ёшларимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси тобора ортмоқда. Айни пайтда, улар юрт ишончига амалий иш билан жавоб бериш-

га, юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар жараёнининг таянчи, шу билан бирга, ҳал қилувчи кучи бўлишга тайёр.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан олиб борилаётган социологик тадқиқотларнинг умумий хулосасидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Ватанимиз ёшлари ҳақиқий ватанпарварлик, юқори интеллектуал салоҳият, юксак маънавий ва ахлоқий ғазилларга эга бўлган, ўз келажagini, ўз Ватанининг ёрқин эртасига ишонч билан қарайдиган озод юрт фарзандларидир.

Нигматилла МҲМИНОВ, «Ижтимоий фикр» маркази илмий ходими, профессор, Ўтқир ҚАИМОВ, «Ижтимоий фикр» маркази директори ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

Семинар

Ёнғин хавфсизлигига бағишланди



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ташаббуси билан ИИБ ЁХББ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлар иштирокида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ёнғин хавфсизлиги йўналиши бўйича инфор-мацион таъминоти ва консултатив ёрдам тизимини янада ривожлантириш» мавзусида семинар-йўналиш ўтказди.

Унда ёнғин-техник кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчилар кўтқарув ва ёнғинга қарши ускуналар, газ ўлчагич техникалар, ёнғинга қарши автоматика, ёнғинга чидамли бўёқ ва лаклар, эвакуацияни бошқаришнинг техник мосламалари билан яқиндан таништирилди. Шунингдек, ФВВ вакиллари томонидан янги махсус ўт ўчириш техникалари намойиши бўлиб, унда кўтқарув ускуналари робот техникаси жамланмалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Аҳолига яна бир қулайлик

Шўрчи туманида қишлоқ ҳўжалиги, боғдорчилик билан бирга чорвачилик ҳам кенг тараққий этган. Ҳудудда насли ва ҳисори қўйларни кўпайтириш, эл дастурхонини сифатли гўшт ва сут маҳсулоти билан тўлдириш алоҳида эътиборда.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида туманининг «Гулистон» маҳалласида янги мол бозори фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатда битказилган қурилиш ишларига 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ҳафтанинг чоршанба кунлари фаолият кўрсатадиган бозорда барча шaroит мўҳайё, — дейди «Зиёдулло-Тоғимурод» масъулияти чекланган жамият раиси Абдусамад Ашуров. — Туман марказидан 10 километр олинсада жойлашган янги савдо маскани кўши Денов ва Олтинсой тумани аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

Айни кунларда бу ерда 20 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, келажакда яна 30 та янги иш ўрни очиб қўйишга режалашилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Қирқдархон» қад ростлаяпти

Президентимизнинг қишлоқ жойларда турар-жойларни лойиҳалаштиришни тақомиллаштириш ва қурилишини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш учун бу йил Самарқандда 695 та замонавий турар-жой барпо қилинади.

Айни кунларда Оқдарё туманининг Қирқдархон қишлоғи ҳудудида ҳам намунавий лойиҳа асосида 69 та янги турар-жой биноси қурилмоқда.

Янги уй-жойларнинг қурилиши 2010 йилнинг ноябрь ойида бошланган, — дейди «Меъмор Алишер Кумушкент» қурилиш ташкилоти раҳбари Суннат Ахмаджонов. — Ҳозир уйларнинг аксариятида пардозлаш ишлари амалга оширилаяпти. Бу ерда 300 нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳудудда ис-

тикомат қилувчи аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Қишлоқ врачлик пункти ҳамда 360 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қад рост-ламақда.

2010 йили 20 та икки қаватли замонавий лойиҳа асосида турар-жой қурилиб, эгаларига топширилган. Бу йил қад ростлаётган 7 та турар-жой биноси туман аҳоли яшаш масканини яна биттага кўпайтиради. Худудга «Қирқдархон-2» маҳалла фуқаролар йиғини номи берилади.

(Ўз мухбиримиз).

Илмий анжуман

Нукусда «Жанубий Орол бўйи археологияси, этнографияси ва тарихий масалалари» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кураш

Ислам Каримов халқаро турнири

Шу йилнинг 3-4 июнь кунлари Лондонда кураш бўйича анъанавий Ислам Каримов халқаро турнири бўлиб ўтади. Кураш халқаро ассоциациясида мазкур нуфузли мусобақа олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда тўққизинчи мартаба ташкил этилаётган ушбу халқаро турнир нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётгани таъкидланди. Бу йилги мусобақада йигирмадан ортиқ давлатдан курашчи-спортчилар иштирок этиш истигини билдиргани айтилди. Биргина Буюк Британиядан уч юз нафар курашчининг мазкур мусобақада гиламга чиқиши кутилмоқда.

Бу йилги беллашуларда Европа, Осиё, Африка ҳамда Океания давлатларидан беш юз нафардан зиёд полвон ўз омадларини синаб кўришди. Беллашулар илк мартаба очиб майдонда Лондондаги «Соккер Доум» стадионида ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз).

Фестиваль

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Қарши санъат коллежиде Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деб номланган дўстлик ва маданият фестивалининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нуриддин Зайнев, Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев фестивалнинг ўтказилиши юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари тили, маданияти, урф-одатларини ривожлантиришга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга шaroит ва имконият яратишини таъкидлади.

Шундан сўнг Қашқадарё вилоятидаги маданият марказлари қошида ташкил этилган бадий жамоалар ўзларининг миллий куй-қўшиқлари, рақсларини намойиш этишди.

Музаффар ТУРОПОВ

ОБ-ҲАВО 23-24.04. 2011

Table with 3 columns: Location, Today, Tomorrow. Includes cities like Toshkent, Samarqand, Nukus, etc.

Table with 3 columns: Location, Today, Tomorrow. Includes cities like London, Paris, Moscow, Madrid, etc.

«FAR-EKO PLAST» масъулияти чекланган жамияти устав жамғармаси 732 940 000 (етти юз ўттиз икки миллион тўқуз юз қирқ миң сўмдан 663 462 308,46 (олти юз олти миң уч миллион тўрт юз олти миң икки миң уч юз саккас тўрт юз олти миң) сўмга казайтирилганини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимияти рўйхатидан ўтган «Саховалти Ибрат» ИМЖ ТЎГАТИЛАДИ. (ИНН 204926800, ОКОНХ 91800) Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қуйдаги телефонда қабул қилинади: 244-95-07.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимияти рўйхатидан ўтган «Сардор-Сайдиёр» хусусий корхонаси ТЎГАТИЛАДИ. СТИР 300541538 ОКОНХ 71280 Даво ва аризалар 2 ой давомида 789-29-95 телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази жамоаси марказининг катта илмий ходими Д.Ш.Аҳмедовга онаси Назифа РАШДОДОВНИнг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдирди.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- List of names: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir muharrir o'rinbosari, G'affer HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muxliddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Koinbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T — Tijorat materiallari. 18968 nusxada bosiladi. Topshirish vaqti — 21.00 O'zA yakuni — 02.10 Topshirilgan vaqti — 02.40 Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5